

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/30.04.2022.TIB.93.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВА НОЗИМА ОРИФОВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КОМОРБИД
ҲОЛАТЛАРДА КЕЧГАНДА БУЙРАКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА
УЛАРГА КОМПЛЕКС МУОЛАЖАЛАР ТАЪСИРИ**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Джураева Нозима Орифовна

Сурункали юрак етишмовчилиги коморбид ҳолатларда кечганда буйракдаги ўзгаришлар ва уларга комплекс муолажалар таъсири 3

Джураева Нозима Орифовна

Изменения в почках при коморбидных состояниях хронической сердечной недостаточности и влияние на них комплексного лечения 27

Djuraeva Nozima Orifovna

Changes in the kidneys in comorbid conditions of chronic heart failure and the effect of complex treatment on them 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.04/30.04.2022.Tib.93.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ДЖУРАЕВА НОЗИМА ОРИФОВНА

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ КОМОРБИД
ҲОЛАТЛАРДА КЕЧГАНДА БУЙРАКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР ВА
УЛАРГА КОМПЛЕКС МУОЛАЖАЛАР ТАЪСИРИ**

14.00.05 - Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.2.PhD/Tib1151 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Собиров Мақсуд Отабоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Равшанбек Бобожанович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Шодиқулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.04/30.04.2022.Tib.93.02. Илмий кенгашининг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi/uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел/факс: (+99865) 223-00-50), Веб-сайт: www.bsmi/uz, e-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д. Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, DSc, доцент

Г. А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда, сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларда коморбидликнинг юқори бўлиши ҳаёт сифатини пасайтириб, ижтимоий мослашувни бузилишига ва ўлим кўрсаткичини ошишига олиб келиши қайд этилган «...Коморбидликнинг учраши 18-44 ёшда 69%га, 45-64 ёшда 93%га, ёши 65дан ошганларда 98% га етади...»¹. Кўп ҳолларда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) ва сурункали буйрак касаллиги (СБК) коморбидликда учраб беморлар ҳаёт сифати ва давомийлигига кескин салбий таъсир этади. Ушбу ҳолатларни қандли диабет (ҚД) билан бирга келиши ёки қайд этилган оғир асоратларни унинг негизида ривожланиши тобора кўп учрамоқда. Шу сабабли келтирилган коморбид ҳолатларни ўрганиш, уларни эрта ташхислаш, самарали даволаш ҳамда олдини олиш зарурлиги тиббиётнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Дунё миқёсида СЮЕда коморбид ҳолатларни ривожланиш механизмларини ўрганиш ва унда даволашни мувофиқлаштиришни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада унга чалинган беморларда кузатиладиган буйраклар дисфункциясини ривожланиши ва унга олиб келувчи коморбид касалликларни тўлақонли ўрганиш, диабетик нефропатияда артерия, артериолалар, буйрак коптокчалари ва каналчалари комплекс зарарланишини эрта аниқлаш ҳамда самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш тиббиётнинг муҳим муаммоларидан биридир. Шунингдек, профибротик цитокин β_1 -трансфармацияловчи ўсиш омили (TGF- β_1) ва цистатин-С ларни юрак ҳамда буйрак гемодинамик кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, ушбу омилларни уларда фиброз жараёнлари ривожланишида тутган ўрнини асослаш, патологик жараёнларга самарали таъсир қилиш йўллари ва монанд даволаш усуллари ишлаб чиқиш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш мазкур муаммога оид илмий тадқиқотларнинг долзарб йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, жумладан, юрак қон-томир касалликлари кечишида коморбид ҳолатларни эрта аниқлаш, мувофиқлаштирилган даволаш ва асоратларни камайтириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.«...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга

¹Silverberg D.S.The use of subcutaneous erythropoietin and intravenous iron for the treatment of the anemia of severe, resistant congestive heart failure improves cardiac and renal function and functional cardiac class, and markedly reduces hospitalizations//J Am Coll Cardiol.-2000. – Vol.35, №7. – P.1737-1744.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармони

оширишда СЮЕ коморбид ҳолатда кечганда асоратларини эрта аниқлаш, ташхислаш ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини камайтириш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ- 5124–сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги”ги ва 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ -215-сон “Бирламчи тиббий – санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар ва чоп этилган адабиётлардан маълумки, терминал буйрак етишмовчилигининг асосий сабаби 2-тип ҚД ҳисобланади. Диабетик нефропатияда артерия, артериолалар, буйрак коптокчалари ва каналчалари комплекс зарарланади. Натижада буйракларда СБК олиб келувчи диффуз ёки тугунли гломерулосклероз ривожланади. ҚД 2-5 марта СЮЕ ривожланиш хавфини оширади. Бу икки патологик жараён мавжуд бўлган ҳолларда ўлим кўрсаткичи 60-80% га фавқулотда кўпаяди. [Remuzzi G. et al. 2002].

Умумий популяцияга нисбатан юрак қон-томир касалликлари, шу жумладан СЮЕга чалинганларда СБК ривожланиш эҳтимоли бир неча марта юқори. Ҳатто буйрак функционал ҳолатини унча кўп бўлмаган пасайиши ҳам бошқа омиллар таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳолда юрак қон-томир хавфи билан ассоцияланади. NHANES III регистр маълумотларига кўра ҳар қандай иккита юрак қон-томир касалликлари хавфини мавжудлиги коптокчалар филтрациясини тезлигини (КФТ) бир дақиқада <60 мл бўлган СБК олиб келади [Насыбуллина А. А., 2015]. СЮЕ ўлим кўрсаткичлари КФТ билан тескари боғлиқликда бўлиб унга ўз таъсирига кўра касалликни функционал синф(ФС) ва чап қоринчани қон отиб бериш фракцияси билан баробар ҳисобланади [Богданова А.Р.,2014.].

Мамлакатимизда қатор етакчи олимлар томонидан СЮЕ муаммоси бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, СЮЕ оқибати ва кечишига нейрогуморал,эндотелиал дисфункция, генетик омилларнинг роли ўрганилган(Курбанов Р.Д.,2016; Гадаев А.Г.,2019; Камилова У.К.,2016).

Бугунги кунгача олиб борилган илмий тадқиқотларда СЮЕ ҚД билан коморбид кечганда асоратланиш, хусусан СБК ривожланишининг юқори эҳтимоллиги ва оғирлашиши бўйича маълумотлар учрашига қарамасдан унинг ривожланишида цистатин С, β_1 трансформацияловчи ўсиш омили ва ИЛ-6 кўрсаткичларининг аҳамияти тўлиқ ўрганилмаган, жараёнга таъсир

этувчи муқобил даво усули бўйича ўтказилган изланишлар етарли эмас. Бу эса ўз навбатида, муаммо устида тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (06.2022 PhD 147) “Covid 19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳоли саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022–2026 йй.)” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда ва усиз кечганда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигида юрак-буйрак функционал ҳолати ва фиброз жараёнларига таъсир килувчи даво чораларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда ва усиз кечганда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигида даволашдан олдинги ва кейинги юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларини баҳолаш;

Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда ва усиз кечганда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигида даволашдан олдинги ва кейинги цистатин-С ёрдамида аниқланган коптокчалар фильтрацияси динамикасини ўрганиш;

Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда ва усиз кечганда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигида β_1 трансформацияловчи ўсиш омили ва ИЛ-6 кўрсаткичларини баҳолаш;

Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда ва усиз кечганда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигида цистатин-С, TGF- β 1 ва юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичларини корреляцион боғлиқлигини ўрганиш;

Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда ва усиз кечганда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигида дапаглифлозин ҳамда этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол) билан ўтказилган муолажалардан олдин ҳамда кейин беморлар клиник ҳолати, жисмоний юкламаларга чидамлилиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини динамикада ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиология бўлимида ЮИК негизида ривожланган сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда ва қандли диабетсиз кечган ҳамда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигининг С2-С3а босқичлари мавжуд 120 нафар беморлар жалб қилиндилар.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморлар веноз қони ва унинг зардоби иммунологик ва биокимёвий таҳлиллар олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Умумклиник, клиник-асбобий, биокимёвий, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда кечганда ривожланган сурункали буйрак касаллигида глюкоза-натрий симпортер-2 вакили дапаглифлозин ва этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол)нинг юрак ичи гемодинамикасига ижобий таъсири исботланган;

Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда кечганда ривожланган сурункали буйрак касаллигида дапаглифлозинни ва этилметилгидроксипиридин сукцинат(мексидол)нинг буйраклар функционал ҳолатига самарали таъсири тасдиқланган;

Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда кечганда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллигида юрак ичи гемодинамика ва буйраклар функционал ҳолати муштаракликда кечиши исботланган;

Илк маротаба сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда кечганда ривожланган сурункали буйрак касаллигида дапаглифлозинва этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол)нинг буйраклардаги фиброз жараёнларини ривожланишини секинлаштирувчи таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда кечганда ривожланган сурункали буйрак касаллигида буйрак функционал ҳолати ва ундаги фиброз жараёнлар комплекс баҳоланган;

сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда кечганда ривожланган сурункали буйрак касаллигида дапаглифлозинни ва этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол)нинг буйраклар функционал ҳолати ҳамда юрак ичи гемодинамикасига ижобий таъсири тасдиқланган;

глюкоза-натрий симпортер-2 вакили дапаглифлозинни буйракдаги фиброз жараёнларни барқарорлаштириши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда кечганда ривожланган сурункали буйрак касаллигини комплекс даво негизида дапаглифлозин ва этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол)ни қўллаш буйракдаги фиброз жараёнларни барқарорлаштириши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда кечганда ривожланган сурункали буйрак касаллигини комплекс даво негизида дапаглифлозин ва этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол)ни қўллаш юрак ичи

гемодинамикаси ва буйрак коптокчалар фильтрациясига ижобий таъсири билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчилиги коморбид ҳолатларда кечганда буйракдаги ўзгаришлар ва уларга комплекс муолажалар таъсири бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет ва қандли диабетсиз кечган беморларда β_1 трансформацияловчи ўсиш омилини юрак ва буйрак функционал кўрсаткичлари билан боғлиқлиги ҳамда даволашни мувофиқлаштириш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 2023 йил 17мартдаги 23-т/009-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилиги коморбид ҳолатларда кечганда юрак-буйрак фаолиятини баҳолаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш имконини берган;

Сурункали юрак етишмовчилиги коморбид ҳолатларда кечганда буйракдаги ўзгаришлар ва уларга комплекс муолажалар таъсири бўйича олинган тадқиқот натижалари, жумладан Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Бухоро вилоят минтақавий филиали (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 2023 йил 14 апрелдаги 23-х/011-сон хулосаси) амалиётларига жорий этилган. Тадбиқ қилинган натижалар касаллик кечиши эҳтимоллигини аниқлаш, беморларни шифохонада даволаниш кунларини қисқаришига ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 6та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 116 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ҳамда технологияларининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган бобида мавзу бўйича сўнгги йиллардаги тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Муаммонинг замонавий ҳолати бўйича маҳаллий ва хорижий адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Мазкур боб тўртта параграфдан иборат бўлиб, уларда адабиётлардаги маълумотлар умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материали ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот ҳамда унда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Ушбу илмий тадқиқот ишида сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет билан коморбидликда ва усиз кечган ҳамда улар негизида ривожланган сурункали буйрак касаллиги С2 ва С3а мавжуд 120 нафар беморлар кузатилдилар. Уларнинг 65 нафари (54%) эркаклар ва 55 (46%) аёллар эди. Қўйилган вазифаларнинг ечимини амалга ошириш мақсадида илмий тадқиқот иши қуйидагича бажарилди. Кузатувга олинган 120 нафар беморлар ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга ажратилдилар: А гуруҳ- СЮЕ+қандли диабетли (40 бемор), Б-гуруҳ СЮЕ + қандли диабетсиз кечган (40 бемор) ва ҳар иккала стандарт даво негизида НГКТ-2 ингибитори дапаглифлозин (форсига) ҳамда этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол) препаратларини қабул қилган беморлардан иборат асосий гуруҳ, ҳамда СЮЕ +қандли диабетли ва диабетсиз кечган ва фақат стандарт даво олган мос равишда 20 тадан жами 40 нафар беморлар назорат гуруҳини ташкил қилдилар. Ҳар бир гуруҳ СЮЕ функционал синфларига мос равишда яъни иккита II ва III ФСларга ажратилди.

Кузатувдаги барча беморларда даволаш бошланишидан олдин ва 6 ойдан сўнг умумклиник – умумий қон ва пешоб таҳлили (бир кеча-кундузлик альбуминурия), қондаги қанд миқдори, биокимёвий – жигар трансферазалари, билирубин, мочевино, креатинин, цистатин-С, қондаги липид спектри, коагулограмма, интерлейкин-6 (ИЛ-6), TGF- β_1 , шунингдек асбобий текширувлар – ЭКГ, ЭхоКГ текширувлари ўтказилди. КФТ тезлигини қондаги цистатин С даражаси бўйича Ноек ва ҳаммуаллифлар (2003) тавсия этган формула ёрдамида аниқланди. Уларнинг барчасида дори воситаларини мунтазам қабул қилиниши назоратга олиниб, асбобий ва лаборатор текширувларни қайта ўтказиш, Миннесот сўровномаси ҳамда клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи орқали уларнинг клиник, гемодинамик ҳолати ва ҳаёт сифати ўзгарганлиги ўрганилди. Беморларни жисмоний юкламаларга чидамлилигига 6 дақиқалик юриш синамаси орқали баҳо берилди.

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2013) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет ва усиз кечганда юрак ремоделиниши, лаборатор кўрсаткичлар, коптокчалар фильтрацияси тезлигининг муолажалардан олдинги**

солиштирма таҳлили” деб номланган учинчи бобнинг биринчи параграфида сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет ва усиз кечганда юрак ремоделланиши кўрсаткичларининг муолажалардан олдинги солиштирма таҳлили ўтказилди. Қуйидаги 1 – жадвалда тадқиқотга жалб қилинган асосий А ва Б гуруҳ беморларда ўтказилган эхокардиография кўрсаткичлари маълумотлари келтирилган.

1 –жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги II-III функционал синфи қандли диабет ва усиз кечган беморларда эхокардиография ёрдамида аниқланган юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	А гуруҳ, СЮЕ II-III ФС қандли диабет мавжуд (n=40)		Б гуруҳ, СЮЕ II- III ФС қандли диабетсиз (n=40)	
		СЮЕ ФС II (n=20)	СЮЕ III ФС (n=20)	СЮЕ ФС II (n=20)	СЮЕ ФС III (n=20)
1	Чап қоринча сўнгги систолик ўлчами (26-38 мм), мм	45,3±1,8	50,35±1,6	42,6±1,2	46,9±1,5
2	Чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами (44-54 мм), мм	64,4±1,6*	69.35±1,5*	59,9±1,2	65.3±1,2
3	Чап қоринча сўнгги диастолик ҳажми (88-145 мл), мл	178,3±7,7	203,9±7,9	174,6±4,1	192,3±6,8
4	Чап қоринча сўнгги систолик ҳажми (45-68 мл), мл	97,3±5,2*	112,3±9,1	83,15±3,4	104,15±8,1
5	Чап қоринча қон отиш фракцияси, %	42.1±1,2*	36,5±0,9**	46.2±1,0	41,7±1,3
6	Чап қоринча миокард вазни, г	233,5±4,4*	247.5±6,2	220,3±3,9	240.9±5,5

Изоҳ: * - даводан олдинги кўрсаткичлар фарқи ишончлилиги: * - p<0,05., ** - p<0,01.

Жадвалда келтирилганидек, чап қоринча диастолик ўлчами А ҳамда Б гуруҳ СЮЕнинг II ФС мавжуд беморларда 64,4±1,6 мм ва 59,9±1,2 ммга, СЮЕнинг III ФС мавжуд беморларда иккала гуруҳда ҳам мос равишда 69.35±1,5 мм ва 65.3±1,2мм га тенг бўлди ва ишончли фарқ қайд этилди (P<0,05). Чап қоринча сўнгги систолик ҳажми СЮЕнинг II ФС мавжуд А ҳамда Б гуруҳ беморларда мос равишда 178,3±7,7 мл ва 203,9±7,9 мл га тенг бўлиб ишончли фарқ қайд этилди (P<0,05). Чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧКҚОФ) ҚД мавжуд СЮЕнинг II ФС беморларда 42.1±1,2%, ҚД мавжуд бўлмаган СЮЕнинг II ФС беморларда 46.2±1,0% ни ташкил этди ва ишончли фарқ аниқланди (P<0,05). СЮЕнинг III ФС мавжуд беморларда эса иккала гуруҳда мос равишда 36,5±0,9 % ва 41,7±1,3 % га тенг бўлиб, юқори ишончли фарқ қайд этилди (P<0,01). Чап қоринча миокард вазни А гуруҳ беморларда СЮЕнинг II ва III ФСда мос равишда 233,5±4,4 г ва 247.5±6,2 г, Б гуруҳда эса 220,3±3,9 г ва 240.9±5,5 г ни ташкил этди ва улар ўзаро солиштирма ўрганилганда II ФС мавжуд беморларда ишончли фарқ аниқланди (P<0.05).

Ўтказилган таҳлиллар СЮЕ коморбид ҳолатда, жумладан, ҚД билан кечганда унинг ФС ларига мос равишда юрак ичи гемодинамик кўрсаткичларида ҚД мавжуд бўлмаганларга нисбатан салбий ўзгаришлар кузатилишини кўрсатди. Булар чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами, сўнгги систолик ҳажми, миокард вазни ва қон отиш фракциясида яққол намоён бўлди.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфида эса сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет ва усиз кечган беморлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари (цистатин-С, TGF β 1, интерлейкин-6, калий, сийдикда альбуминурия), коптокчалар филтрация тезлиги ва жисмоний юкламага чидамлилиги, ҳаёт сифати ҳамда клиник ҳолатлари кўрсаткичларининг муолажалардан олдинги солиштира таҳлили баён қилинган. Қуйидаги 2-жадвал ва 1-расмда олинган натижалар келтирилган.

2 –жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги II-III функционал синфи қандли диабет ва усиз кечган беморларда биокимёвий ҳамда жисмоний юкламага чидамлилиги, ҳаёт сифати ва клиник ҳолатлари кўрсаткичларининг солиштира таҳлили.

№	Кўрсаткичлар	А гуруҳ, СЮЕ II-III ФС қандли диабет мавжуд (n=40)		Б гуруҳ, СЮЕ II- III ФС қандли диабетсиз (n=40)	
		СЮЕ ФС II (n=20)	СЮЕ III ФС (n=20)	СЮЕ ФС II (n=20)	СЮЕ ФС III (n=20)
1	Цистатин-С, мкг/мл	1.26±0,04	1.56±0,08**	1.15±0,05	1.25±0,05
2	Интерлейкин-6, пг/мл	15.39±1,5*	23.74±1,7***	11.59±0,8	14.7±0,55
3	TGF β 1, нг/мл	4,87±0,3**	7,4±0,3*	3,58±0,27	5,89±0,4
4	Калий, ммол/л	4.42±0,08*	5.02±0,07***	4.2±0,07	4.5±0,08
5	Албуминурия, 30-300 мг/л	351,45±10,2** *	424,05±13,2** *	298,96±10,5	345,95±9,7
6	6 дақиқалик юриш синамаси, метр	312,2±16,50*	192,4±12,2**	363,2±12,31	249,4±12,50
7	Ҳаёт сифати, балл	55,6 ± 1,9*	70,4 ± 2,1***	48,9 ± 2,1	58,3 ± 2,0
8	Клиник ҳолатни баҳолаш, балл	6,0 ± 0,3*	7,84 ± 0,27*	5,2 ± 0,19	7,08 ± 0,3


Изоҳ: * - даводан олдинги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: * - p<0,05., ** - p<0,01. *** - p<0,001.

Цистатин-С кўрсаткичлари СЮЕ-III ФС мавжуд биринчи гуруҳда 1.56±0,08 мкг/мл ва иккинчи гуруҳда 1.25±0,05 мкг/мл га тенг бўлди ва фарқлар ишончли бўлди (P<0,01). Интерлейкин-6 кўрсаткичлари Б гуруҳ СЮЕ II-ФС мавжуд беморларда А гуруҳга нисбатан 1.33 маротаба юқори бўлди ҳамда ишончли фарқ қайд этилди (P<0,05); СЮЕ-III ФС мавжуд А ва Б

гуруҳда мос равишда $23,74 \pm 1,7$ нг/мл ҳамда $147 \pm 0,55$ нг/мл га тенг бўлиб, 1.46 маротаба юқори бўлди ($P < 0,001$). А ва Б гуруҳ СЮЕ II-ФС мавжуд беморларда TGF β_1 кўрсаткичлари ўзаро солиштирилганда фарқ ишончли бўлди ($P < 0,01$); СЮЕ-III ФС мавжуд биринчи гуруҳда $7,4 \pm 0,3$ нг/мл ҳамда иккинчи гуруҳда $5,89 \pm 0,4$ нг/мл га тенг бўлиб, 1.27 маротаба юқори бўлди ва ишончли ($P < 0,01$) фарқ қайд этилди. Қон зардобидоги калий миқдори барча гуруҳларда меъёр кўрсаткичларда бўлган бўлса ҳам ҚД мавжуд беморларда сезиларли юқори бўлди (гуруҳлар ўртасида II ва III ФС га мос равишда $4.42 \pm 0,08$ ва $4.2 \pm 0,07$ ммол/л, $P < 0,05$, $5.02 \pm 0,07$ ва $4.5 \pm 0,08$ ммол/л, $P < 0,001$). Сийдикда альбуминурия кўрсаткичлари СЮЕ II ва III ФС мавжуд ҳар иккала гуруҳда юқори ишончли ($P < 0,001$) фарқлар қайд этилди.

Беморларда ўтказилган солиштира таҳлил СЮЕ мавжуд ҚД билан кечганда жисмоний юкламаларга бўлган чидамлилиги, ҳаёт сифати ва клиник ҳолати ҚД мавжуд бўлмаганларга нисбатан мос равишда ишончли салбий таъсир қилишини кўрсатди.

Шунингдек, тадқиқотга жалб қилинган беморларда цистатин-С кўрсаткичлари асосида КФТ ҳисобланган. Қуйидаги 1-расмда ушбу маълумотлар келтирилган.



1 –расм. Сурункали юрак етишмовчилиги II-III функционал синфи қандли диабет ва усиз кечган беморларда коптокчалар филтрацияси тезлиги(мл/мин/1.73м²) кўрсаткичларининг солиштира таҳлили.


Изоҳ: * - даводан олдинги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: * - $p < 0,05$., ** - $p < 0,01$.

Ушбу расмда келтирилган натижалардан хулоса қилинадиган бўлса, СЮЕ II-III ФС мавжуд ҚД билан кечган беморлар қонида цистатин-С кўрсаткичларининг юқорилиги ҳамда унинг ёрдамида аниқланган КФТ нинг пастлиги, ушбу гуруҳ беморларда буйракларда қайтмас патологик

ўзгаришлар кузатилишини кўрсатади ва бунинг оқибатида уларда эрта СБК ривожланади.

Учинчи параграфда сурункали юрак етишмовчилиги қандли диабет ва усиз кечган беморлар қонининг биокимёвий кўрсаткичлари (цистатин-С, TGF β 1, интерлейкин-6), коптокчалар фильтрация тезлиги ва юрак ремоделланиш кўрсаткичларининг ўзаро корреляцион боғлиқлиги келтирилган.

СЮЕ II ФС қандли диабет мавжуд беморларда (I А гуруҳ) TGF β 1 билан ИЛ-6 сезиларли ($r=0,6$, $P<0,01$) ва цистатин-С билан кучли мусбат ($r=0,86$, $P<0,001$), КФТ ($r= -0,82$, $P<0,0001$) ва ЧҚҚОФ ($r=-0,8$, $P<0,0001$) билан кучли манфий, ЧҚМВ билан ўртача мусбат ($r=0,44$, $P<0,05$) корреляцион боғлиқлик қайд этилди. СЮЕ III ФС қандли диабет мавжуд беморларда эса (I А гуруҳ) TGF β 1 билан ИЛ-6 юқори ($r=0,7$, $P<0,001$) ва цистатин-С билан кучли мусбат ($r=0,9$, $P<0,001$), КФТ ($r= -0,9$, $P<0,001$) ва ЧҚҚОФ ($r=-0,86$, $P<0,0001$) билан кучли манфий, ЧҚМВ билан сезиларли мусбат ($r=0,6$, $P<0,05$) корреляцион боғлиқлик аниқланди. Қуйидаги 2-расмда олинган натижалар келтирилган.



2-расм. Сурункали юрак етишмовчилиги II-III функционал синф қандли диабет кечган беморларда қон зардобидagi TGF β 1 билан қатор кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик.

Шунингдек, СЮЕ II-III ФС қандли диабет мавжуд беморларда цистатин-С кўрсаткичлари ва КФТ билан ҳам манфий корреляцион боғлиқлик кузатилди (3-расм). СЮЕ II ФС қандли диабет мавжуд беморларда (I А гуруҳ) цистатин-С ва КФТ ($r= -0,94$, $P<0,0001$) ўртасида кучли манфий корреляцион боғлиқлик қайд этилди. СЮЕ III ФС қандли диабет мавжуд беморларда ҳам (I А гуруҳ) цистатин-С ва КФТ ($r= -0,82$, $P<0,0001$)

Scatter plot showing the relationship between the number of people in the household (X-axis) and the number of people in the family (Y-axis) for two groups: II ФС (blue dots) and III ФС (orange dots). The X-axis ranges from 0 to 90, and the Y-axis ranges from 0 to 1.8. Both groups show a positive correlation, with III ФС generally having higher values for both variables compared to II ФС.

Аниқланган цистатин-С билан КФТ орасидаги манфий корреляцион боғлиқликлар ушбу оксил нафақат буйраклар функционал ҳолатини баҳолашда муҳим маркер ҳисобланади. Ушбу таъсир СЮЕ 2-тип КД билан кечган беморларда яққолроқ намоён бўлишини натижалар тасдиқлайди.

Илмий изланишнинг ушбу бўлимида турли таркибли даво муолажаларининг СЮЕ мавжуд қандли диабет ва усиз кечган беморларнинг II-III функционал синфларида юрак ичи гемодинамикасига ва қон зардобдаги цистатин-С, ИЛ-6, TGF β_1 , калий микдорий кўрсаткичлари, коптокчалар фильтрацияси тезлигига таъсири ўрганилган.

15

ҳамда кейин мос равишда $64,4 \pm 1,6$ мм ва $58,9 \pm 1,2$ мм га, назорат гуруҳида эса $62,2 \pm 1,4$ мм ҳамда $57,6 \pm 1,5$ мм га тенг бўлди. Олинган ушбу натижалар иккала гуруҳда ҳам муолажалардан сўнг ишончли ўзгаришлар қайд этилганлигини кўрсатди ($P < 0,05$). Асосий гуруҳ беморларда чап қоринча сўнгги диастолик ҳамда систолик ҳажми ўлчами муолажалардан олдин мос равишда $179,3 \pm 6,0$ мл ва $97,3 \pm 5,2$ мл, муолажалардан кейин $155,6 \pm 4,0$ мл ва $80,0 \pm 3,3$ мл га тенг бўлиб, фарқлар юқори ишончли бўлди ($P < 0,01$). Назорат гуруҳида эса чап қоринча сўнгги диастолик ҳамда систолик ҳажми кўрсаткичлари муолажалардан кейин ишончли камайди (мос равишда $176,7 \pm 6,0$ мл дан $160,3 \pm 4,4$ млга ва $96,2 \pm 2,7$ мл дан $83 \pm 4,1$ млга, $P < 0,05$). Чап қоринча қон отиш фракцияси асосий гуруҳда муолажалардан олдин ва кейин $42,1 \pm 1,2$ % дан $48,4 \pm 1,1$ %га, 1, 15 маротаба ошди ҳамда юқори ишончли фарқ қайд этилди ($P < 0,001$). Назорат гуруҳида муолажалардан олдин $42,8 \pm 1,7$ % ва кейин $47,3 \pm 1,3$ % га тенг бўлиб, ишончли фарқ аниқланди ($P < 0,05$). Чап қоринча миокардининг вазни иккала гуруҳ беморларда ҳам муолажалардан сўнг ишончли камайди ($P < 0,05$).

Асосий А гуруҳнинг СЮЕ III ФС қандли диабет мавжуд беморларида чап қоринча сўнгги систолик ўлчами муолажалардан сўнг $50,35 \pm 1,6$ ммдан $45,2 \pm 1,5$ ммга, 1,1 маротаба камайди ва ишончли фарқ қайд этилди ($P < 0,05$). Назорат гуруҳида эса ўзгаришлар ишончли бўлмади ($50,0 \pm 1,5$ ммдан $46 \pm 1,4$ мм га камайди, $P > 0,05$). Чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами асосий гуруҳда муолажадан олдин ҳамда кейин мос равишда $69,35 \pm 1,5$ мм ва $63,2 \pm 1,2$ мм ни ташкил этиб, юқори ишончли фарқ аниқланди ($P < 0,01$). Ушбу кўрсаткичлар назорат гуруҳида мос равишда $68,5 \pm 1,4$ мм ва $64,5 \pm 1,2$ мм га тенг бўлди ($P < 0,05$). Чап қоринча сўнгги диастолик ҳажми асосий гуруҳда муолажалардан олдин ҳамда кейин мос равишда $203,9 \pm 7,9$ мл ва $178,4 \pm 6,8$ мл ни ташкил этиб, ишончли фарқ аниқланди ($P < 0,05$). Назорат гуруҳида эса мос равишда $200,2 \pm 7,7$ мл ва $184,2 \pm 7,4$ мл га тенг бўлиб ишончли фарқ қайд этилмади ($P > 0,05$). Чап қоринча сўнгги систолик ҳажми асосий гуруҳда $112,3 \pm 9,1$ мл дан $89,6 \pm 8,1$ мл га, 1,26 маротаба камайиб, фарқлар ишончли бўлди ($P < 0,05$). Назорат гуруҳида сезиларли камайган бўлса ҳам фарқ ишончли бўлмади (мос равишда $109,3 \pm 8,9$ мл ва $93,6 \pm 8,2$ мл, $P > 0,05$). Асосий гуруҳда чап қоринча қон отиш фракцияси муолажалардан олдин $36,5 \pm 0,9$ % ва муолажадан кейин $44,8 \pm 1,2$ % га тенг бўлиб, 1,22 маротаба ошиб юқори ишончли фарқ қайд этилди ($P < 0,001$). Назорат гуруҳида муолажалардан кейин $37,6 \pm 1,0$ % дан $42,8 \pm 1,3$ % га ошди ва ишончли фарқ кузатилди ($P < 0,05$). Чап қоринча миокардининг вазни иккала гуруҳ беморларда ҳам муолажалардан сўнг камайди, лекин ишончли ўзгаришлар қайд этилмади (мос равишда $246,75 \pm 6,2$ г дан $230,2 \pm 5,5$ г га ва $239,7 \pm 6,0$ г дан $230,6 \pm 5,4$ г га камайди, $P < 0,05$).

Тадқиқотга жалб қилинган СЮЕ II-III мавжуд қандли диабетсиз кечган асосий Б ва назорат гуруҳ беморларда олиб борилган турли таркибли муолажалардан сўнг олинган юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари

натижалари ўрганилганда чап қоринча сўнгги систолик ўлчами асосий гуруҳ беморларда $42,6 \pm 1,2$ мм дан $38,4 \pm 1,3$ ммга камайди ва ишончли фарқ кузатилди ($P < 0,05$), назорат гуруҳида эса ишончли ўзгаришлар қайд этилмади ($41,8 \pm 1,1$ мм дан $39,2 \pm 1,5$ ммга камайди, $P > 0,05$). Чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами ва ҳажми биринчи гуруҳда муолажалардан олдин ва кейин мос равишда $59,9 \pm 1,2$ мм дан $55,6 \pm 1,4$ мм га ҳамда $174,6 \pm 4,1$ мл дан $162,6 \pm 3,9$ мл га яхшиланди. Назорат гуруҳида чап қоринча диастолик ўлчами муолажалардан олдин ва кейин мос равишда $58,8 \pm 1,2$ мм ва $55,3 \pm 1,2$ ммга, унинг диастолик ҳажми $172,2 \pm 4,0$ мл дан $160,2 \pm 3,8$ ммга камайди. Гуруҳлардаги ушбу иккала кўрсаткичлар ўзаро солиштира ўрганилганда барча ҳолатда ишончли ўзгаришлар қайд этилди ($P < 0,05$). Чап қоринча сўнгги систолик ҳажми асосий ва назорат гуруҳида бир хил 1.08 маротаба камайди ҳамда иккала гуруҳда ҳам ишончли ўзгариш аниқланмади ($P > 0,05$). Чап қоринча қон отиш фракцияси асосий гуруҳда $46,2 \pm 1,0\%$ дан $51,2 \pm 1,1\%$ га, 1,1 маротаба ошди ва юқори ишончли фарқ қайд этилди ($P < 0,01$). Назорат гуруҳида муолажалардан олдин ҳамда кейин мос равишда $46,9 \pm 1,1\%$ ва $50,4 \pm 1,2\%$ ни ташкил этиб, ишончли ўзгариш кузатилди ($P < 0,05$). Чап қоринча миокардининг вазни биринчи гуруҳда $220,3 \pm 3,9$ г дан $206,8 \pm 4,2$ г га ишончли камайди ($P < 0,05$). Назорат гуруҳида ҳам муолажалардан сўнг ижобий ўзгаришлар кузатилди лекин ишончли бўлмади (мос равишда $218,3 \pm 3,8$ г дан $210,9 \pm 3,5$ г га камайди, $P > 0,05$).

Сурункали юрак етишмовчилиги III ФС қандли диабетсиз кечган беморлардаги муолажалардан кейин чап қоринча систолик ўлчами асосий гуруҳда муолажалардан олдин ҳамда кейин $46,9 \pm 1,5$ мм ва $42,4 \pm 1,3$ мм га тенг бўлди ва ўзгаришлар ишончли бўлди ($P < 0,05$). Назорат гуруҳида ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилди, аммо улар ишончли бўлмади ($P > 0,05$). Чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами асосий гуруҳда $65,3 \pm 1,2$ мм дан $60,2 \pm 1,1$ мм га юқори ишончли ($P < 0,01$), назорат гуруҳида $64,5 \pm 1,2$ мм дан $60,5 \pm 1,3$ ммга ишончли камайди ($P < 0,05$). Чап қоринча сўнгги диастолик ҳажмидаги ўзгаришлар иккала гуруҳ беморларда ҳам ишончли бўлмади ($P > 0,05$). Чап қоринча систолик ҳажми асосий гуруҳда мос равишда $104,15 \pm 8,1$ мл ва $80,2 \pm 7,2$ млни ташкил этди ҳамда фарқ ишончли бўлди ($P < 0,05$). Назорат гуруҳида $103,5 \pm 6,2$ мл дан $82 \pm 6,8$ млга га сезиларли камайди лекин ўзгаришлар ишончли бўлмади ($P > 0,05$). Чап қоринча қон отиш фракцияси асосий гуруҳда $41,7 \pm 1,3\%$ дан $47,2 \pm 1,2\%$ га ошди ва юқори ишончли фарқ кузатилди ($P < 0,01$). Назорат гуруҳида муолажалардан олдин ҳамда кейин мос равишда $42,8 \pm 1,3\%$ ва $46,8 \pm 1,3\%$ ни ташкил этиб, ишончли ўзгариш аниқланди ($P < 0,05$). Чап қоринча миокард вазни асосий гуруҳда $240,9 \pm 5,5$ г дан $221,2 \pm 5,3$ г га ишончли ($P < 0,05$) ва назорат гуруҳида эса $236,6 \pm 5,4$ г дан $226,5 \pm 5,2$ г га ишончсиз камайди ($P > 0,05$).

Шунингдек, олиб борилган даво муолажалари самарадорлигини асосий А ва Б гуруҳ беморлар ўртасида ҳам ўзаро солиштира ўрганилди. Қуйидаги

3- ва 4-жадвалларда СЮЕ II ва III ФС беморларда муолажалардан кейинги эхокардиография кўрсаткичлари ўзаро солиштира ўрганилган.

3-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилигининг II функционал синфи қандли диабет ва усиз кечган беморларда турли таркибли даво муолажаларидан сўнг юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	А гуруҳ, СЮЕ II ФС қандли диабет мавжуд (n=20)		Б гуруҳ, СЮЕ II ФС қандли диабетсиз (n=20)	
		Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин
1	Чап қоринча сўнгги систолик ўлчами (26-38 мм), мм	45,3±1,8	40,6±1,6	42,6±1,2	38,4±1,3*
2	Чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами (44-54 мм), мм	64,4±1,6	58,9±1,2*	59,9±1,2	55,6±1,4*
3	Чап қоринча сўнгги диастолик ҳажми (88- 145 мл), мл	179,3±6,0	155,6±4,0**	174,6±4,1	162,6±3,9*
4	Чап қоринча сўнгги систолик ҳажми (45-68 мл), мл	97,3±5,2	80,0±3,3**	83,15±3,4	76,3±3,1
5	Чап қоринча қон отиш фракцияси, %	42.1±1,2	48.4±1,1***	46.2±1,0	51,2±1,1**
6	Чап қоринча миокард вазни, г	233,5±4,4	218,3±3,9*	220,3±3,9	206,8±4,2*

Изоҳ: * - даводан олдинги ҳамда кейинги кўрсаткичлар фарқи ишончлилиги: * - $p<0,05$., ** - $p<0,01$., *** - $p<0,001$.

Жадвалда келтирилганидек, чап қоринча систолик ўлчами СЮЕ стандарт давоси+дапаглифлозин (форсига) ва этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол) қабул қилган беморларда муолажалардан олдин ҳамда кейин мос равишда иккинчи гуруҳда кўрсаткич 42,6±1,2мм дан 38,4±1,3мм га камайди ва ишончли фарқ қайд этилди ($P<0,05$). Чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами ўзгариши муолажалардан сўнг иккала гуруҳ беморларда ҳам ишончли бўлди (мос равишда 64,4±1,6ммдан 58,9±1,2ммга ва 59,9±1,2ммдан 55,6±1,4ммга камайди, $P<0,05$). Чап қоринчанинг сўнгги диастолик ҳамда систолик ҳажми биринчи асосий гуруҳда муолажалардан олдин мос равишда 179,3±6,0 мл ва 97,3±5,2мл, муолажалардан кейин 155,6±4,0 мл ва 80,0±3,3млни ташкил этди. Улар ўзаро солиштира ўрганилганда юқори ишончли фарқлар қайд этилди ($P<0,01$). Иккинчи асосий гуруҳда муолажалардан кейин фақат сўнгги диастолик ҳажм ишончли камайди (174,6±4,1мл дан 162,6±3,9мл га, $P<0,05$).

Чап қоринча қон отиш фракцияси даводан сўнг биринчи гуруҳда $42.1 \pm 1,2\%$ дан $48.4 \pm 1,1\%$ га 1,15 маротаба ошиб, юқори ишончли ($P < 0,001$) фарқ кузатилди, иккинчи гуруҳда $46.2 \pm 1,0\%$ дан $51,2 \pm 1,1\%$ га кўтарилди ва ўртача юқори ишончли фарқ қайд қилинди ($P < 0,01$). Чап қоринча миокард вазни иккала гуруҳда ҳам ишончли камайди ($P < 0,05$).

4-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилигининг III функционал синфи қандли диабет ва усиз кечган беморларда турли таркибли даво муолажаларидан сўнг юрак ичи гемодинамикаси кўрсаткичлари.

№	Кўрсаткичлар	А гуруҳ, СЮЕ III ФС қандли диабет мавжуд (n=20)		Б гуруҳ, СЮЕ III ФС қандли диабетсиз (n=20)	
		Даводан олдин	Даводан кейин	Даводан олдин	Даводан кейин
1	Чап қоринча сўнгги систолик ўлчами (26-38 мм), мм	$50,35 \pm 1,6$	$45,2 \pm 1,5^*$	$46,9 \pm 1,5$	$42,4 \pm 1,3^*$
2	Чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами (44-54 мм), мм	$69,35 \pm 1,5$	$63,2 \pm 1,2^{**}$	$65,3 \pm 1,2$	$60,2 \pm 1,1^{**}$
3	Чап қоринча сўнгги диастолик ҳажми (88-145 мл), мл	$203,9 \pm 7,9$	$178,4 \pm 6,8^*$	$192,3 \pm 6,8$	$174,6 \pm 6,6$
4	Чап қоринча сўнгги систолик ҳажми (45-68 мл), мл	$112,3 \pm 9,1$	$89,6 \pm 8,1^*$	$104,15 \pm 8,1$	$80,2 \pm 7,2^*$
5	Чап қоринча қон отиш фракцияси, %	$36,5 \pm 0,9$	$44,8 \pm 1,2^{***}$	$41,7 \pm 1,3$	$47,2 \pm 1,2^{**}$
6	Чап қоринча миокард вазни, г	$246,75 \pm 6,2$	$230,2 \pm 5,5$	$240,9 \pm 5,5$	$221,2 \pm 5,3^*$


Изоҳ: * - даводан олдинги ҳамда кейинги кўрсаткичлар фарқи ишончилиги: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$

Ўтказилган муолажалардан сўнг чап қоринча сўнгги систолик ўлчами ўзгаришлари иккала гуруҳ беморларда ҳам ишончли бўлди ($P < 0,05$). Чап қоринча сўнгги диастолик ўлчами иккала гуруҳдаги ўзгаришлар ўзаро солиштирилганда юқори ишончли фарқлар қайд этилди ($P < 0,01$). Биринчи гуруҳда чап қоринча сўнгги диастолик ҳажми $203,9 \pm 7,9$ млдан $178,4 \pm 6,8$ мл га камайди ($P < 0,01$). Иккинчи гуруҳда эса ўзгаришлар ишончли бўлмади ($192,3 \pm 6,8$ мл дан $174,6 \pm 6,6$ млга камайди, $P > 0,05$). Чап қоринча сўнгги систолик ҳажми иккала гуруҳда ҳам муолажалардан сўнг 1,3 маротаба камайди ва ишончли фарқлар кузатилди ($P < 0,05$). Чап қоринча қон отиш фракцияси биринчи гуруҳда муолажалардан кейин $36,5 \pm 0,9\%$ дан $44,8 \pm 1,2\%$ га ошиб, юқори ишончли фарқ қайд этилди ($P < 0,001$). Иккинчи гуруҳда $41,7 \pm 1,3\%$ дан $47,2 \pm 1,2\%$ га кўтарилди ва ишончли фарқ аниқланди ($P < 0,01$). Чап қоринча миокард вазни А гуруҳда 1,07 маротаба камайди, лекин ўзгаришлар ишончли бўлмади. Б гуруҳ беморларда муолажалардан сўнг фарқ ишончли бўлди ($240,9 \pm 5,5$ г дан $221,2 \pm 5,3$ г га камайди, $P < 0,05$).

Демак, олинган натижалардан хулоса қилинадиган бўлса таркибида дапаглифлозин + ва этилметилгидроксипиридин сукцинат (мексидол) бўлган

комплекс даво беморларда фиброз жараёнларини барқарорлашига олиб келди. Бу айниқса СЮЕ II-III ФС негизда қандли диабет мавжуд беморларда яққол намоён бўлди.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида ўтказилган комплекс муолажаларнинг беморлар организмидаги фиброз жараёнлари ва буйракларидаги ўзгаришларга таъсири солиштирма ўрганилди. Қуйидаги 4-расмда беморларда турли таркибли муолажалардан сўнг қон зардобиди цистатин-С кўрсаткичларининг ўзгариши гуруҳлар ўртасида ўзаро таҳлил қилинган.




4- расм. Тадқиқотга жалб қилинган беморларда цистатин–С кўрсаткичларининг турли таркибли муолажалардан кейинги солиштирма таҳлили.

Изоҳ: * - даводан олдинги ва кейинги кўрсаткичлар фарқи ишончлилиги: * - $p < 0,05$, ** - $p < 0,01$, *** - $p < 0,001$.

